БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

11-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 25 (2573)
4 ФЕВРАЛЬ
СЕШАНБА
1964 йил
Баҳоси 2 тийин.

## ШОНЛИ ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

### *Тошкент тўқимачилик комбинати коллективининг Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 40 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятлари*

Республикамиз меҳнаткашлари шу йил кузда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигини нишонлайдилар. Ўзбек халқи бу шонли кунни халқ хўжалигининг барча соҳаларида, фан ва маданиятда жуда катта муваффақиятларга эришган ҳолда кутиб олади.

Совет республикаларининг қардошлик оиласида серқуёш Ўзбекистон муносиб ўрин эгаллайди. Республикамизнинг равнақ топиши ва гуллаб-яшнаши ҳақида барча қардош халқлар зўр эътибор билан ғамхўрлик қилмоқдалар. Ўзбекистон меҳнаткашлари бу ғамхўрликка тобора янгидан-янги муваффақиятларга эришиш билан жавоб бермоқдалар, улар коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш учун олиб борилаётган умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшиш учун интилмоқдалар.

Республикамизнинг барча меҳнаткашлари каби тўқимачиларнинг кўпминг кишилик коллективи ҳам шонли юбилейни муносиб ишлар билан кутиб олишдан манфаатдордирлар. Биз жонажон республикамиз янада гуллаб-яшнашини, совет кишилари бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан яхшироқ яшашини, ҳар бир хонадонда шоду хуррамлик бўлишини истаймиз. Бунинг учун эса янада зўр бериб меҳнат қилиш керак.

Биз, тўқимачилар ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевнинг ҳар бир ишчи ўз резервига эга, деган сўзларини ёдда тутиб, корхонамизнинг янги имкониятларидан фойдаланишга, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашга қарор қилдик.

Машъалларимиз бўлган коммунистик меҳнат мусобақасининг қатнашчилари янги резервларни қаердан қидириш ва уларни қандай ишга солиш кераклигини кўрсатиб бермоқдалар. Ана шундай машъаллар сони комбинатимизда ҳозирнинг ўзидаёқ қарийб саккиз минг кишини ташкил этади. Ишлаб чиқариш илғорлари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Марҳамат Йўлдошева, орденли тўқувчилар Любовь Светашова, Садди Пўлатова, мастер ёрдамчилари, атоқли тўқувчи М. В. Куликованинг издошлари Умарали Хўжаев, Феликс Қосимхўжаев, Абзал Эгамбердиев ва комбинатнинг бошқа юзлаб илғор ишчилари бизга маҳсулот ишлаб чиқаришни ой сайин қандай қилиб кўпайтириш, ҳар бир станокда, машинада тўқилаётган маҳсулотнинг миқдорини ошириш намунасини кўрсатмоқдалар.

Биз илғорларнинг ташаббусини қатъият билан оммалаштириб, ишлаб чиқаришга барча янгиликларни, илғор усулларни жорий қилиб, тўқимачилик техникаси ва технологияси янгиликларини қўллаиб, ўз корхонамизни техника прогресси йўлидан янада тезроқ олға томон ҳаракат қилдирамиз, партиямиз XXII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейин бўлиб ўтган Пленумлари қарорларини муваффақиятли равишда амалга оширамиз.

Биз ўз корхонамизнинг битмас-туганмас резервларига ишонган ҳолда меҳнат вахтасида турамиз ва Ўзбекистон ССР ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги шарафига зиммамизга қуйидаги социалистик мажбуриятларни оламиз:

тайёр газлама ишлаб чиқаришни 1963 йилдагига нисбатан 3,5 процент, ип ишлаб чиқаришни 14,6 процент кўпайтириш ва пландагидан ташқари 300 минг сўмлик маҳсулот, шу жумладан 500 минг метр ҳом сурп, 500 минг метр тайёр газлама ва 500 минг ғалтак ип бериш;

меҳнат унумдорлиги планини 1 процент ошириб бажариш; 10 тонна пахта, 20 тонна калава ип, 500 мегакалорий иссиқлик энергияси ва 500 минг киловатт-соат электр энергиясини тежаш;

590 минг сўм иқтисодий фойда берадиган 800 та рационализаторлик таклифини жорий этиш;

камида 2700 кишини ишлаб чиқариш ва умумий таълим ўқишининг барча турларига тортиш;

химия саноатининг муваффақиятларидан фойдаланиб, кам киришадиган қилиб пардозланган газламалар ишлаб чиқаришни 5 миллион метрга ва ранги ўчмайдиган қилиб пардозланган газламалар ишлаб чиқаришни 1 миллион метрга етказиш;

калава ипларни пардозлашда крахмалнинг ўрнини босувчи 20 тонна полиакреламиддан фойдаланиш, комбинатнинг ёрдамчи ишлаб чиқариш участкаларида тўқимачилик машиналари учун 3 тонна капрон, полиэтилен ва полистиролдан деталлар тайёрлашни ўзлаштириш ва жорий этиш, хом ашёни иқтисод қилиш ҳисобига эгилувчан резинали қопламалар ишлаб чиқаришни 500 минг шартли единица кўпайтириш;

маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, унинг хилларини кўпайтириш ва газламаларнинг колористик безагини яхшилаш мақсадида пардозлаш ишлаб чиқариши бўйича 160 та янги нусха яратиб, ишлаб чиқаришга жорий қилиш, комбинатда янги ўзлаштирилган газламалардан камида 2,8 миллион метр тайёрлаш;

меҳнат шароитини яхшилаш ва оғир иш жараёнларини механизациялаш учун 1-йигирув фабрикасида асосий калава ипларни ташишни механизациялаштириш;

ускуналарнинг унумдорлигини ошириш мақсадида йигирув ишлаб чиқаришининг тайёрлов бўлимларида 250 та эски машиналарни янги, унумлироқ ишлайдиган машиналар билан алмаштириш ва 250 та машинани модернизациялаш.

Ушбу социалистик мажбуриятлар комбинат фабрикалари ишчиларининг йиғилишларида муҳокама қилиниб, қабул этилган ва касаба союз комитети ҳамда партия комитетининг йиғилишларида тасдиқланган.



## ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

## ЛУГАНЛИКЛАР ТАЖРИБАСИ — БАРЧА ЧОРВАДОРЛАРГА

*Ўзбекистон КП Марказий Комитети Украина ССР Луган области колхоз ва совхозларининг химик усул билан молларга едириш учун дағал ем-хашак тайёрлаш, озуқанинг тўйимлилигини ошириш ва чорвачиликдаги бошқа бир қатор рационал усулларини Ўзбекистон ССР да ҳам жорий қилиш тадбирлари ҳақида қарор қабул қилди.*

*Ўзбекистон КП Марказий Комитети луганликларнинг республикада чорвачиликни бундан буён янада интенсивлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлган илғор тажрибасини кенг ёйиш мақсадида партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига, республика колхоз ва совхозларининг раҳбарларига ҳарбир жойнинг шароитига қараб чорвачиликда прогрессив усулларни жорий қилиш ва шу асосда ем-хашаклардан рационал фойдаланиш, ем-хашакни химик йўл билан қайта ишланиши, чорвачиликни ихтисослаштириш ва концентрациялаш ҳамда фермаларда ишни механизациялаштириш, чорванинг маҳсулдорлигини бундан буён янада оширишни таъминлашга қаратилган амалий тадбирларни ишлабчиқишни тавсия этди.*

*Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига, область партия комитетлари ва область ижроия комитетларига республикадаги барча колхоз ва совхозларнинг чорвачилик фермалари ходимларига кимёвий йўл билан дағал ем-хашак тайёрлашни тўғри йўлга қўйишни ўргатиш учун уларнинг ўқувини ташкил этишни таклиф этилди. Саноат ва қишлоқ область партия комитетларига, министрликларга ва республиканинг раҳбар органларига саноат ва қурилиш корхоналарининг оталик қилишини ташкил этиш, колхоз ва совхозларда шу йилнинг биринчи кварталида ем-хашак тайёрлайдиган хоналар қуриш ва уларни жиҳозлашда ёрдам беришни топширди.*

*Республика газеталари редакцияларига ва Министрлар совети ҳузуридаги радио эшиттириш ва телевидение давлат комитетига республика колхоз ва совхозларида луганликларнинг тажрибасини жорий қилишнинг боришини узлуксиз ёритиб бориш топширилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги ва республика давлат нашриётига Луган области чорвадорларининг тажрибаси ҳақида брошюра нашр этиш ҳамда ем-ҳашакни кимёвий йўл билан қайта ишлаш, чорвачилик фермаларида сунъий урчитиш ва ишларни механизациялашни ташкил этишга бағишланган брошюралар, варақалар ва плакатлар чиқариш таклиф этилди.*

## ҒАЛЛАКОРЛАР БИЛИМ ОЛМОҚДАЛАР

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигида дон экинларини етиштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган семинар уч кун давом этди. Семинарда область ва ишлаб чиқариш бошқармаларининг бош агрономлари ва бош инженерлари, уруғчилик хўжаликларининг агрономлари, олимлар, «Узсельхозтехника» область бирлашмалари ва район бўлимларининг, шунингдек республика қишлоқ хўжалик органларининг ходимлари иштироқ этдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министри Х. Эргашев семинарни кириш сўзи билан очди.

Етакчи мутахассислар ўқиган лекцияларда колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини ривожлантириш соҳасида фан ва практика қўлга киритган ютуқлар умумлаштирилди, Ўзбекистонда йирик дон хўжалигини яратиш ва суғориладиган ерларда дон экинларидан икки марта ҳосил олиш юзасидан тавсиялар берилди. Деҳқончиликни химиялаштириш, шоли, нўхат, маккажўхори ва оқжўхоридан юқори ҳосил олиш, ғаллакорликни комплекс механизациялашнинг энг муҳим проблемаларига бағишлаб махсус машғулотлар ўтказилди.

Семинарда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

## БОҒБОНЛАР ҒАЙРАТИ

*ҒАЗАЛКЕНТ, (Телефон орқали олинди). Шу кунларда 12-боғдорчилик совхозининг боғдорлари ўртасида КПСС Марказий Комитетининг бўлажак Пленумини меҳнат ғалабалари билан кутиб олиш ҳар тарафлама кучайиб кетган. Далада ишлаётган ишчиларнинг жуда кўпчилиги кундалик топшириқларни ошириб бажармоқдалар. Айниқса боғбонларнинг ютуғи каттадир. Улар қисқа вақт ичида 200 гектарга яқин боғдаги дарахтларнинг бачки шохларини қирқиб ташладилар. Бундан ташқари 300 гектар ердаги олма дарахтлари оқлаб қўйилди.*

*Ўнлаб ишчи механизаторлар экин ерларига маҳаллий ўғит ташиб чиқаришда фаол қатнашмоқдалар. Аравакашлар ва тракторчилар гўнг ташиб чиқариш юзасидан берилган нормаларини ошириб адо этмоқдалар. Совхозда ирригация шохобчаларини тозалаш ишлари ҳам жадал суръатлар билан олиб борилаяпти.*

## ДУГОНАЛАР АҲДИ

**КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги февраль Пленумини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун курашаётган Янгийўл бошқармасидаги Ленин номли колхознинг сут-товар фермаси коллективи мўл ва арзон чорва маҳсулотлари етиштириш учун фидокорона меҳнат қилмоқда.**

**Фермада ишнинг кўзини биладиган тажрибали кишилар, моҳир сут соғувчилар меҳнат қилишмоқда. Мунамбар Ашурова, Манзура Шокирова, Ўғилжон Солибоевалар ўз ишининг чинакам жонкуярлари, моҳир сут соғувчилар ҳисобланади.**

**Дугоналар партия Марказий Комитетининг февраль Пленуми очиладиган кунгача 34—35 тоннадан сут соғиб олишга аҳд қилишган.**

**И. НОРМАТОВ.**

## ТАСС АХБОРОТИ

### «ЭЛЕКТРОН-1» ВА «ЭЛЕКТРОН-2» ПАРВОЗДА

Илмий космик станциялар — «Электрон-1» ва «Электрон-2» Ер атрофида учишни давом эттирмоқда. Эллипс шаклидаги жуда чўзинчоқ орбита бўйлаб ҳаракат қилаётган «Электрон-2» космик станцияси шу йил 1 февраль Москва вақти билан соат 18 га қадар Ер атрофини икки марта айланиб чиқди, ташқи радиация минтақасининг зонаси орқали 4 марта ўтди, «Электрон-1» станцияси эса, худди шу вақтга қадар Ер атрофини 19 марта айланиб чиқди, ички радиация минтақаси орқали кўп марталаб ўтди.

Космик станцияларда ўрнатилган илмий аппаратлар ёрдами билан қуйидагилар тадқиқ қилинмоқда:

— Ернинг ташқи ва ички радиация минтақалари;

— Оз энергияли зарядланган заррачалар;

— электронларнинг ва мусбат ионларнинг концентрацияси;

— Ер ва радиация минтақаларининг магнит майдонлари;

— космик нурларнинг ядро компонентлари;

— Қуёшнинг қисқа тўлқинли нурлари;

— турли диапазонлардаги радио тўлқинларининг тарқалиши;

— галактикаларнинг радио нурлари;

— метеорит моддаларнинг тиғизлиги.

Космик фазонинг турли соҳаларида биринчи марта мана шундай ягона программа билан айни бир вақтда тадқиқотлар ўтказилмоқда. Бу тадқиқотлар осойишта Қуёш йилининг халқаро программасини (Қуёш активлиги энг кам бўлган даврда) бажариш учун катта аҳамиятга эга, шунингдек одамнинг космосда учишларини радиация хавф-хатаридан сақлаш учун зарур маълумотлар олишга имкон беради.

Телеметрик ўлчовларнинг маълумотларига қараганда, станциялардаги аппаратларнинг ҳаммаси нормал ишлаб турибди. Космик станциялардаги шароит белгиланган даражада сақланиб турибди. Станциялар юбораётган илмий информация Ердаги телеметрик пунктларда ҳам бевосита қабул қилиб олинмоқда, шунингдек эслаб қолувчи аппаратларга ҳам қабул қилиб олинмоқда. Шу туфайли станциялар Ердаги ўлчов пунктларидан радио воситасида кўриш доирасидан ташқарида бўлган даврда мазкур станциялар юборган илмий информация эслаб қолувчи аппаратларда тўпланиб боради.

Космик станцияларга берилаётган команда нормал равишда ўтиб бормоқда, ўлчов пунктлари 20, 005, 30, 0075 ва 90, 0225 мегагерц частоталардаги уч частотали «Маяк» передатчигининг ҳамда 19,943 ва 19,954 мегагерц частоталардаги «Сигнал» передатчигининг радиосигналларини мунтазам равишда қабул қилиб олмоқда.

## БИНОКОРЛАР КЕНГАШИ

3 февралда Тошкентда бинокорларнинг, бинокорлик материаллари саноати, қурилиш индустрияси корхоналари ва лойиҳа ташкилотлари ходимларининг республика кенгаши бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** кенгашни очди.

Йиғилганлар содиқ ленинчи, халқ бахт-саодати учун толмас курашчи Никита Сергеевич Хрушчев бошлиқ КПСС Марказий Комитети Президиумини гулдурос қарсаклар билан кенгашнинг фахрий президиумига сайлайдилар.

Кенгаш қатнашчилари қардош Белоруссия бинокорлари делегациясини самимият билан кутиб олдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **Н. В. Мартинов** «1963 йилда капитал қурилиш планини бажариш якунлари ҳамда КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорлари асосида республика қурилиш ташкилотларининг 1964 йилдаги вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Доклад юзасидан қизғин музокаралар бўлди.

КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** кенгашда нутқ сўзлади.

Кенгаш Ўзбекистондаги қурилиш, бинокорлик материаллари саноати, қурилиш индустрияси корхоналари ва лойиҳа ташкилотлари ходимларининг 1964 йилги социалистик мажбуриятини қабул қилди. Белоруссия ССР бинокорлари билан мусобақани давом эттиришга қарор қилинди.

Кенгаш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Советига, Никита Сергеевич Хрушчевга баланд руҳ билан табрикнома йўлладилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси раисининг ўринбосари **В. К. Акулинцев**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари **Р. Қурбонов, М. М. Мусахонов, Ё. С. Насриддинова, Н. Ж. Худойбердиев**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат **Қ. Муртазоев**, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари **Х. Эргашев, И. В. Марцинюк**, КПСС Марказий Комитети Қурилиш бўлими бинокорлик материаллари саноати секторининг мудири **М. Д. Воробьевский**, Ўрта Осиё ирригация ва совхозлар қурилиши бош бошқармасининг бошлиғи **А. А. Саркисов**, СССР Госплани коллегиясининг аъзоси **К. В. Никулин**, СССР Госстройи раисининг ўринбосари **А. А. Лопатин** қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

**Суратда: кенгаш залидан.**

АГИТАТОРЛАР ТАЖРИБАСИДАН

## ҲАМ РАҲБАР, ҲАМ ТАРБИЯЧИ

*Баъзан шундай ҳам бўлади: киши бирон бир ишга қўл ураётганида, билатуриб ножўя ҳаракатга йўл қўяётганида унинг қандай оқибатларга олиб келишини хаёлига келтириб кўрмайди. Ана шундай пайтда яхши сўз, дўстнинг берган маслаҳати жон озиғи бўлади.*

*Агитатор Нуриддин Хайриддиновнинг фикри-ёди доимо ҳамкасбларига, дўстларига яхшилик қилиш, уларнинг ютуғини, тажрибасини умумхалқ мулкига айлантиришга кўмаклашиш, баъзи йўлдан озиб қоладиган кишилар бўлса, уларнинг хато ва камчиликларини тушунтириб бериш билан банд бўлади.*

*Бугун ҳам ишдан кейин у навбатдаги суҳбатнинг қандай қилиб жонли тарзда ўтказилишини маслаҳатлашиб олмоқ учун завод партия ташкилоти ҳузуридаги агитация-пропаганда бўлими мудири Николай Григорьевич Суховнинг олдига кирди. Улар узоқ суҳбатлашиб ўтирдилар. Ниҳоят, Нуриддин ўз таклифини айтди.*

*— Кейинги пайтларда баъзи бир ишчилар ўртасида интизомсизлик рўй беряпти, — деди у.— Уларнинг баъзилари ишга кеч келиб, эрта кетиб қоладилар. Бу галги суҳбатимиз темасини вақтнинг қадрига етишга бағишласак. Тайёргарликни ҳам кўриб қўйдик.*

*— Жуда яхши ўйлабсан, — деди Николай Григорьевич, — вақтнинг қадрига етмаётганлар албатта суҳбатда қатнашишлари лозим. Шунга ҳаракат қилиш керак...*

*Иш вақти тугади. Цех ишчилари агитаторнинг жонли суҳбатидан баҳраманд бўлиш учун бирин-кетин йиғила бошладилар. Суҳбат темаси ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлганлиги учун ҳам жуда қизиқарли ўтди. Агитатор конкрет мисоллар билан бир минутда нималар қилиш мумкинлигини, лекин баъзида, минут бекор ўтса нима ҳам йўқотардик деб, қўл силтаб, катта хатога йўл қўйилишини тушунтириб берди.*

*Шу пайт агитаторнинг нигоҳи бир чеккада бошини кўтаролмай, қизаришиб ўтирган А. Абдусаломов билан Н. Аблякимовларга тушди. Нега деганингизда, қизим сенга айтаман, келиним сен эшит деганларидек, гап уларга бориб тегаётган эди-да. Агитатор Абдусаломовга мурожаат қилиб қолди.*

*— Қани айтчи, биродар, — деди уни ўрнидан турғизар экан, — масалан, пахтани қопқанорсиз ташийдиган прицепларни бўяйдиган цехимиз бор. Ана шу цехда беш минутда нима тайёрланишини биласанми?*

*Абдусаломов қизарганича индамай турарди.*

*— Билсанг ҳам айтишга тилинг бормаяпти, — деди агитатор, — мана айтиб қўяй, миянгга тугиб ол. Беш минутда цехда битта прицепни бўёқдан чиқариш мумкин. Энди бундай ҳисоблаб кўрайлик. Бир кунда 6—7 киши 5 минутдан кеч қолса, ҳаммаси бўлиб 30—35 минут вақт исроф бўлади, демак, ўша куни 6—7 та прицеп кам бўялади деган гап. Бунинг оқибатида белгиланган план бажарилмай қолиши, ёки вақт тиғиз келиб қолганда палапартишликка йўл қўйилиб, иш сифатсиз бажарилиши мумкин. Бу кимнинг зарари? Бу сенинг, менинг, қолаверса давлатнинг зарари.*



А. Изомов чизган расм.

*Шундай қилиб, суҳбат жонли ўтди. Йиғилганлар агитаторнинг мароқли ва қизиқарли суҳбатидан мамнун бўлиб қайтдилар.*

*«Ташавтомаш» заводи прицеплар йиғув цехининг смена бошлиғи Нуриддин Хайриддинов корхонанинг старший агитатори сифатида кўпчиликнинг ҳурматини қозонмоқда. У партия ва ҳукуматимизнинг халқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисидаги кўрсатмалари моҳиятини кенг ишчилар оммасига сингдириш, янгиликни тарғиб қилиш, коммунистик жамият кишисини тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшяпти.*

*Бирор янги тадбир ёки қарор эълон қилиндими, Нуриддин ўша куни заводнинг 15 агитатори билан йиғилиш ўтказади. Уларга топшириқ беради. Қандай темаларда суҳбатлар ўтказиш, савол-жавоб кечалари уюштириш лозимлигини маслаҳат қилади. Завод партия ташкилоти билан ҳамкорликда ана шу режаларни амалга оширишга киришади.*

*Агитатор Нуриддин Хайриддинов агитация-пропаганданинг ҳар хил усулларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Ана шу мақсадда у ўз билимини қунт билан ошириб боради. Цехда «Крокодил» деворий газетаси мунтазам чиқариб турилади. Бу ишга ҳам Нуриддиннинг ўзи бошчилик қилади. Газетада ишга кеч келаётган, коллективдан ажралиб қолаётган, бракка йўл қўяётган ишчилар танқид қилинади.*

*Мана, агитаторнинг ишларидан бир шингили. Слесарь Т. Варламов ишдан қайтаётиб, маст ҳолда уйига бориб, хотинини ҳақоратлаган...*

*Завод партия ташкилоти бу воқеадан хабардор бўлгач, Варламов билан суҳбатлашиб, унинг нотўғри йўлга кирганлигини тушунтириб беришни Нуриддиндан илтимос қилди. Нуриддин иш вақти тугагандан кейин Варламовни ўз ҳузурига чақириб олиб, у билан бафуржа гаплашди. Сўнг кўпчилик олдида уни қаттиқ уялтирди. Варламов коллективга раҳмат айтди.*

*— Мен ҳақиқатан ҳам одобсизлик қилган эканман, — деди у, — кўзимни очиб қўйдиларинг. Энди сира-сира оиламга бундай муносабатда бўлмайман.*

*Шундай деб сўз бергач, рафиқасидан ҳам кўпчилик олдида кечирим сўради.*

*Халққа, Ватанга мумкин қадар кўпроқ фойда келтириш ниятида тер тўкиб меҳнат қилаётган Нуриддин Хайриддиновнинг агитаторлик фаолияти тўғрисида ҳар қанча мақтов гапларни айтсак ҳам камлик қилади.*

*— Биз, — дейди у, — КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорлари муносабати билан бир қанча ишларни амалга оширдик. Газдан тежаб-тергаб фойдаланишнинг аҳамияти тўғрисида жонли суҳбатлар ўтказилди. Баъзи бир ишлаб чиқариш процессларини қайта қараб чиқишга тўғри келди.*

*Илгари бизда прицепни бўяш очиқ ҳавода ўтказиларди. Бу ҳол турли бўёқларнинг сочилиб, исроф бўлишига, сифатининг пасайишига олиб келарди. Декабрь Пленумидан кейин бу камчиликка чек қўйилди.*

*Нуриддин тўғрисида гапирар эканмиз, унинг жанговар сафдошлари — Ҳабибулла Қосимов, Умар Турғунбоев, Евгений Иванович Шолохов каби агитаторларнинг ғайратини ҳам алоҳида қайд қилиш керак.*

*Нуриддин Хайриддинов заводнинг энг ҳурматли ходими, жонкуяр, ташаббускор, янгиликнинг ҳақиқий пропагандисти ҳисобланади.*

*З. МУҲАММАДЖОНОВ.*

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН**

# ТОВАРЛАРИМИЗ ЖАҲОНГА МАНЗУР

### «ЭКСПОРТ» КАРТАСИ ЁНИДА

Москвадаги СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг Марказий павильонига «Совет Иттифоқининг ташқи иқтисодий алоқалари» деган каттакон бир карта осиб қўйилган. Советлар мамлакатидан товарлар олиб турувчи жаҳондаги 80 га яқин давлатнинг миллий байроқлари бу картани безаб туради. Давлатимиз территориясидан бошланган кўпдан-кўп маршрутлар елпуғичдек қанот ёзган. Ўзбекистон ҳам ана шу маршрутларнинг 60 таси орқали ўз товарларини жўнатмоқда.

— Экспорт қилинаётган товарларнинг ҳажми жиҳатидан,— деди Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши ташқи алоқалар бўлимининг бошлиғи И. Салимов,— Ўзбекистон Совет Иттифоқида олдинги ўринлардан бирига чиқиб олди. Республикамиздаги бир юз элликка яқин корхона ва ташкилот етти йилликнинг олтинчи йилида чет мамлакатларнинг заказларини бажаради. Улар чет эллардаги харидорларга 125 хилдан ортиқ турли товарлар етказиб беради.

Бу йил республикадан чет элларга чиқариладиган дастлабки юклар темир йўл, сув ва денгиз йўллари орқали ҳозирнинг ўзидаёқ шимолга, жанубга, шарқ ва ғарбга юборилди. Қирқ йил илгари эса...

### ЦЕМЕНТ, ТОЛА, МАШИНАЛАР...

Қирқ йил илгари Ўзбекистон деярли ҳамма турдаги саноат буюмларини чет эллардан ва Россиянинг марказий областларидан олиб келар эди. Ҳатто, кетмон ҳам... Швециядан олиб келинар эди. Ўзбекистон четдан келтирилган товарларга муқобил равишда фақат қишлоқ хўжалик хомашёси етказиб берар эди, холос.

Республика саноат маҳсулотларини биринчи марта 1923 йилда экспорт қила бошлади. Республика картасида очилган бу савдо йўли уни Афғонистон билан боғлади. Хилково цемент заводи жанубдаги қўшнимизнинг янги қурилишларига ўз маҳсулотининг бир туркумини заказчи учун имтиёзли нархлар билан жўнатди.

Афғонистон билан йигирманчи йилларда бошланган иқтисодий ҳамкорлик ҳанузгача муваффақиятли ривожланиб келмоқда. Сўнгги йилларда Совет Иттифоқининг техника ёрдами билан Афғонистонда ўн еттита йирик объект: Кобилда авторемонт заводи ва нон комбинати, Пулихумрида элеватор, Қундузда пахта заводи ва шу каби бошқа корхоналар қуриб, ишга туширилди. Ўзбекистон ана шу корхоналарни барпо қилишга катта ҳисса қўшди.

Республикамизнинг актив ёрдами билан Афғонистондаги Жалолобод каналини қуриш давом эттирилмоқда. Қарийб 26 минг гектар тақир ерни суғориш имконини берадиган ана шу янги канал қурилишига Ўзбекистон машиналар, ускуналар, бинокорлик материаллари жўнатмоқда.

1932 йилда республиканинг экспорт картасида яна бир маршрут чизиғи пайдо бўлди. Ўзбекистон пахта заводлари Германия тўқимачилик саноати корхоналарига биринчи марта талайгина миқдорда «оқ олтин» жўнатди. Ҳозирги вақтда республика Эрон, Туркия, Ироқ ва Покистон ҳаммаси бирга қўшилганда ҳар йили уларга нисбатан анча кўпроқ тола экспорт қилмоқда. Ўзбекистон заводларидан чиққан момиқ ва пахта толасини Англия ва Чехословакия, АҚШ ва Бельгия, Польша ва Франция, Руминия ва Германия Демократик Республикаси, Швеция ва Япония, Венгрия ва Германия Федератив Республикаси, хуллас, жаҳондаги йигирмадан ортиқ мамлакат сотиб олмоқда.

Куба революциясининг йўлбошчиси Фидель Кастро Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган кунларда Ўзбекистон пахта заводларининг коллективлари тола етказиб бериш соҳасида январь ойига мўлжалланган планни муддатидан олдин адо этдилар. Озодлик оролига минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» жўнатилди. Шунинг ўзидан ўн миллион метр газлама тўқиш мумкин.

Революциягача Куба тўқимачилик саноати фақат Америкадан келтирилган хомашё билан ишлар эди. Эндиликда ана шу хомашёнинг ярми Кубанинг ўзида етиштирилмоқда. Толанинг қолган қисмини кубалик дўстларга Ўзбекистон ва мамлакатимиздаги бошқа республикалар етказиб бермоқда.

Республика машинасозларининг маҳсулоти экспорт товарлар оқимига 1933 йилда қўшилди. Ўша пайтда Эроннинг закази билан пахта заводи учун ускуналар тайёрлаб берилган эди. Ҳозир эса, Ўзбекистон корхоналарининг маркаси билан чиқарилган пахта тозалаш техникаси ўз иш унуми жиҳатидан Ғарбдаги машҳур фирмаларнинг ускуналаридан устун туради ва Афғонистон, Болгария, Албания ҳамда Корея Халқ Демократик Республикасидаги пахта заводларига ўрнатилган.

Мустамлакачилик зулмидан яқинда озод бўлган Африка қитъасидаги мамлакатлар ҳам совет ускуналаридан фойдаланишни афзал кўрмоқдалар. Ўзбекистон мутахассисларининг лойиҳалари асосида Сомали, Гана ва Малида пахта тозалаш заводлари барпо этилади.

Ўзбекистон саноат товарларининг доимий харидорларидан бири — Афғонистондаги «Спинзор» компанияси 1964 йилда ўз заказини анча кўпайтирди. Яқинда бу компания Афғонистондаги заводлар учун пахта тозалаш ускуналари етказиб бериш тўғрисида совет ташқи савдо ташкилотлари билан янги шартнома тузди. Фирманинг заказини Тошкентдаги «Узбекхлопкомаш» заводи бажаради.

Пахта етиштириш ва қайта ишлашда ишлатиладиган қишлоқ хўжалик техникаси чет элларда яхши ном чиқарди. Андижон машинасозлари яратган ирригация ускуналари республикамиздан анча узоқ жойларгача шуҳрат таратди. Республикадаги бу корхонанинг маҳсулоти Африка, Осиё, Европа ва Жанубий Американинг неча ўнлаб мамлакатларига юборилмоқда.

### ҲАММА МАМНУН

Ўзбекистон заводларининг маркаси қўйилган техника кўпгина чет мамлакатлардаги энг йирик корхоналарда ишламоқда. Тошкентдаги «Подъёмник» заводининг осма кранлари Бхилаидаги металлургия комбинати ва Ранчи шаҳридаги (Ҳиндистон) оғир машинасозлик заводи цехларида иш бермоқда. Бу кранларни Кубадаги Пинарос руда конида ва Антильяно дель Асеро номли механика заводида учратиш мумкин. Ўзбекистон пойтахтида ясаб чиқарилган ўн тонналн пахлавонлар Болгариядаги энг йирик мис эритиш комбинатига ҳамда Югославиянинг яқинда зилзиладан зарар кўрган Скопле шаҳридаги уйсозлик заводига йўлланма олди.

Чирчиқда тайёрланган янги техника қардош социалистик мамлакатлардаги улкан химия қурилишларига жўнатилмоқда. «Узбекхиммаш» маркаси қўйилган ускуналар Руминия Халқ Республикасидаги химия ва целлюлоза комбинатларига, синтетик тола ва каучук заводларига ўрнатилди.

Ерга оғирлик ташлаш даражаси жаҳонда энг паст бўлган Тошкент экскаваторлари Озодлик оролининг бепоён қўриқ ерларида зах кочирмоқда, компрессор станциялари эса Бирлашган Араб Республикасидаги энг йирик ирригация системаси—Асвондаги баланд тўғон қурилишида қатнашмоқда. Юрий Гагарин номли «Таштекстильмаш» заводининг машиналари Чехословакия, Туркия, Ироқ, Польша, Индонезия, Руминия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардаги ўнлаб янги тўқимачилик корхоналарида ишламоқда.

### «КИНАП» НУРИ

Ҳиндистондаги етакчи фирмалардан бири «Синесилз корпорейшн» Самарқанддаги «Кинап» заводининг доимий мижози бўлиб қолди. Фирманинг илтимосига биноан, яқинда корхона Деҳлига учта замонавий кинотеатр учун аппаратларнинг тўла комплектини жўнатди.

«Кинап» заводи кўпгина чет давлатларнинг мураккаб техника буюртмаларини адо этмоқда. Завод Болгариядаги миллий кино марказини, Чехословакия пойтахтидаги биринчи доирали кинопанорама театрини жиҳозлашда қатнашди. 1964 йилда Япония, Яман, Гвинея, Камбоджа ва бошқа мамлакатларнинг фирмалари самарқандликларга кинотеатрлар учун аппаратлар заказ қилишди.

Ваҳоланки, революциягача Самарқандда биронта ҳам кинотеатр йўқ эди...

### АФЗАЛЛИГИГА ТАН БЕРИЛДИ

Етти йиллик бошлангандан буён республикада саноат маҳсулотининг асосий турларини экспорт қилиш бир неча баравар кўпайди. Ўзбекистон товарлари чет эллардаги кўпгина фирмаларга манзур бўлди.

«Сизларга шуни мамнуният билан хабар қиламизки,— деб ёзади андижонлик машинасозларга Истамбулдаги «Фаиз Буян» фирмаси,— «Т-62» маркали дизеллар немис ва инглиз дизелларига нисбатан ҳар жиҳатдан яхши. Туркия бозори уларнинг афзаллигини тан олди».

«Электрик Пауэр энд Констракшн» фирмасидан (Бирлашган Араб Республикаси) ҳам Ўзбекистонга ана шундай хат келди.

Польшада чиқадиган «Дружба» журнали «Таштекстильмаш» маркаси қўйилган техника ҳақида яқинда қуйидагиларни ёзди:

«Совет машиналарининг ёнида бошқа, худди шундай янги, Швейцариядаги «Риттер» фирмаси ясаган машиналар турибди. Директордан тортиб оддий ип йигирувчигача — бутун корхона коллективи совет машиналарининг афзаллигини муттасил таъкидлайди: бу машиналарнинг иш унуми ҳам юқори, ўзи йиғинчоқ, уни ишлатиш ҳам қулай».

Тошкент тўқимачилик машинасозлари номига Чехословакия, Ҳиндистон, Корея Халқ Демократик Республикаси ва бошқа давлатлардан бир талай ташаккурномалар келди.

Кўпгина савдо фирмаларининг намояндалари Ўзбекистонда бўлишган вақтда совет кишиларига ўз миннатдорчиликларини шахсан изҳор қилишга интиладилар.

— Биз Ўзбекистон усталарининг ип газламаларидан ғоят мамнунмиз,— деди Тошкент тўқимачилик комбинатининг ходимларига Сингапурдаги энг йирик савдо компаниясининг бошлиғи жаноб Ранжит.— Бу газламалар пишиқ, гуллари чиройли бўлиб, харидорларимиз ўртасида уларга талаб катта.

### «ОЛТИН КИЙИК» МАДАГАСКАРГА ЙЎЛ ОЛМОҚДА

Яқинда Ўзбекистоннинг «экспорт» картасида яна бир маршрут пайдо бўлди. Бу маршрут Тошкентдан бошланиб, Мальгаш Республикасининг пойтахти Тананариве шаҳрига боради. Тошкент тўқимачилик комбинати Африка давлатидаги савдо фирмасининг заказига биноан, Мадагаскар оролига юз минг метрдан кўпроқ газлама жўнатди.

— Тошкент тўқимачилари,— деди комбинат охарлаш корхонасининг бошлиғи В. Емелин,— ҳар йили 300 хил гул нусхасини, етти хил ип газламани экспорт қилишмоқда. Корхона рассомлари газламаларга солинадиган гул ва безакларни чет эллардаги харидорларга таклиф қилибгина қолмай, айни маҳалда чет эллардаги мижозларнинг ҳар қандай заказларини бажонудил бажаришмоқда. Малайя федерацияси, Индонезия, Таиланд ва бошқа давлатлардан юборилган миллий безак намуналари асосида миллион-миллион метр чиройли газламалар тўқиб чиқарилди.

Совет газламасининг жаҳондаги ўнлаб мамлакатларга маълум бўлган традицион маркаси — «Олтин кийик» тошкентлик усталар тўқиб чиқараётган пишиқ ва жозибадор газламаларни безаб турибди. Етти йиллик бошлангандан буён комбинат маҳсулотини экспорт қилиш икки баравардан зиёд, чет эллик харидорлар эса тўрт баравар кўпайди.

### ЯНГИ АДРЕСЛАРГА...

1964 йилда Ўзбекистондаги кўпгина корхоналар Африка, Осиё, Европа, Жанубий Америкадаги бир қанча янги мамлакатларни ўзининг доимий харидорлари рўйхатига ёзиб қўяди. Тошкент трактор йиғув заводи ўз маҳсулотини Озодлик ороли пахтакорларига биринчи марта жўнатади. Самарқанддаги «Кинап» заводи Мали Республикасига киноаппаратлар юборади. Вьетнам Демократик Республикасининг тўқимачилик корхоналари бу йил Ўзбекистондан тола олади, узоқ Бразилияда эса Тошкент заводининг чироқлари нур сочади.

1964 йилда Бамако, Лейпциг, Теҳрон, Загреб, Будапешт, Познань, Дамашқ, Измир, Брно, Пловдив, Генуяда ўтказиладиган халқаро виставка ва ярмаркалар республиканинг «экспорт» картасида янги маршрутлар очишга ёрдам беради, чет мамлакатларнинг савдо вакилларини Ўзбекистон экономикасининг тараққиёти ва муваффақиятлари билан таништиради.

...Қирқ йил муқаддам Швециядан кетмон келтириб юрган республика эндиликда Шарқда маданият ва техника тараққиётининг машъали бўлиб қолди. Ўзбекистон саноат товарлари жаҳон бозорида Ғарб мамлакатларидаги энг йирик фирмалар билан муваффақиятли рақобат қилиб, республикамизга юксак даражада ривожланган индустриал давлат шуҳратини келтирди.

**Х. БОГДАНОВ,**
**Тошкент Давлат университетининг старший ўқитувчиси.**

**В. ШЕВЦОВ, В. ПОПОНДОПУЛО,**
**Ўзбекистон Телеграф агентлигининг мухбирлари.**





**Ўрта Осиё машина синаш станцияси қошидаги республика илғор тажриба мактабида машғулотлар бошланиб кетди. Бу ерда Ўзбекистоннинг ҳамма областларидан, шунингдек Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Жанубий Қозоғистондан келган 220 механизатор ўқияпти. Мактабга республикада хизмат кўрсатган механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Тюпко раҳбарлик қилмоқда. Чапдаги суратда ўртоқ В. А. Тюпко машғулот ўтказаётган пайт тасвирланган. Калинин бошқармасидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг механизаторлари техника ремонтини тугалладилар. Ўнгдаги суратда: пешқадам ремонтчи ўртоқ Раҳим Эргашев иш устида.**

Қ. Розиқов фотолари (ЎзТАГ фотохроникаси).

## ЯНГИ СОВХОЗ

*БЕКОБОД. (Телефон орқали олинди). 3-«Далварзин» совхозининг территорияси жуда кенг. Ҳали бу ерда фойдаланилмай ётган юзлаб гектар экин майдонлари бор. Агар бу ерлар ишга солинса жуда кўп қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш мумкин. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари буни ҳисобга олиб шу совхоз территориясида янгитдан шоликорлик совхози ташкил қилди. Совхозга «Октябрь 46 йиллиги» номи берилди. Яқин йиллар ичида янги совхознинг экин майдони бир неча минг гектарга кўпаяди. Шу йилнинг ўзида совхоз дирекцияси 850 гектар ерга шоли экишни планлаштирди. Шоликорлар ҳар бир гектар ерни сифатли парвариш қилиб, камида 22 центнердан ҳосил кўтариш учун курашмоқдалар.*

*Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари совхоз ишчиларига моддий ва техникадан яқиндан ёрдам бермоқда. Ҳозирнинг ўзида совхоз анчагина трактор олди. Ундан ташқари кўп миқдорда маданий ўғит ҳам берилди. Ишчилар тўқай ерларни текислаш ва сифатли ҳайдашни жадал суръатлар билан олиб боришяпти. Шоликор ерларни етарли миқдорда сув билан таъминлаш учун ҳам барча чоралар кўрилмоқда. Яқин вақт ичида бу ерда ўнлаб насос қурилиб ишга туширилади.*

## ЎҒИТ МЎЛ

Янгийўл бошқармасидаги «Коммунизм» колхози пахтакорлари шу кунги ғанимат дамлардан унумли фойдаланиб, дала ишларини намунали ташкил қилмоқдалар. Кузак кези чуқур шудгорлаб қўйилган дала бошларига маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, айниқса, уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Чиқарилаётган гўнгнинг кўп қисми компостланаяпти. Ҳосилдорликни оширишда компостнинг муҳим омиллардан бири эканини ўз тажрибаларида синаб кўрган колхоз пахтакорлари бу йилги ҳосил учун 2400 тонна компост жамғариб қўйишни планлаштирган эдилар. Бу марра аллақачонлар ортда қолди. Шу кунга қадар тайёрланган компост 3324 тоннадан ошиб кетди.

Колхоз аъзолари яқинлашиб келаётган февраль Пленуми шарафига ўзаро мусобақалашиб, кўкламга тайёргарликни кундан-кун авж олдираётирлар.

**А. МАДРАҲИМОВ.**

### КОЛХОЗЛАРДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

## ҲОСИЛ ЯНАДА КЎПАЯДИ

Партиямиз кўрсатмаларини оғишмай амалга ошираётган хўжаликлар ўз экономикасини тобора мустаҳкамламоқда. Айниқса буни ўтган йилги якунлардан яққол кўриш мумкин. Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Свердлов номли колхоз аъзолари партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрликларига амалий иш билан жавоб бериб, янгидан-янги марраларни эгалламоқдалар.

Яқинда бўлган колхознинг йиллик ҳисобот мажлисида деҳқонларнинг қўлга киритган ютуқлари ҳақида батафсил гапирилди. Колхозчилар йил бўйи ҳалол меҳнат қилиб, шаҳар аҳолиси учун мўл сабзавот маҳсулотлари етиштиришдек улуғвор ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Ҳар бир картадаги экин меҳр билан парвариш қилинди. Натижада сабзавот маҳсулотлари топшириш соҳасида жуда катта ютуқлар қўлга киритилди. Колхоз сабзавотчилари июль ойидаёқ планларини ошириб бажардилар. 2582 тонна ўрнига 4129 тонна сабзавот маҳсулотлари етиштирилиб, йиллик план 163 процент қилиб бажарилди. Бу рақам ҳар бир колхозчининг қувончига қувонч қўшди. Улар ўзларининг йил бўйи қилган меҳнатларининг самарасидан мамнун бўлишди. Кўриниб турибдики, колхозчилар аввалги йилга нисбатан анча яхши меҳнат қилишган. Полиз экинлари ҳам ёмон бўлмади. Мева, пилла топшириш юзасидан берилган топшириқлар ҳам ортиғи билан бажарилди.

1961 йилда ҳар бир бош соғин сигирдан 1687 литрдан сут соғиб олинган бўлса, ўтган йили эса 1956 литрданга тўғри келди. Колхоз чорвадорлари ҳам ёмон ишлашмадилар. Улар кўпроқ гўшт маҳсулотлари етиштириш учун ҳаракат қилиб бу соҳада барча резервларни ишга солдилар. Кўп гўшт етиштирилиб, унинг таннархи камайтирилди. Аввалларн етиштирилган ҳар бир центнер сут 19 сўмга тушган бўлса, эндиликда 12 сўм 46 тийинга тўғри келмоқда.

Мажлисда таъкидланиб ўтилишича, деҳқонлар социалистик мусобақани ҳар қачонгидан ҳам қизитган ҳолда ишлаганлар. Колхоз правлениеси мусобақа илғорларини рағбатлантириб турган. Аванс пулларини бериш кенг йўлга қўйилган. Шунинг орқасида колхозчилар ишга меҳр қўйишди. Меҳнат интизоми мустаҳкамланди. Ишга кеч чиқиш ва эрта қайтиш каби ярамас фактларга чек қўйилди.

Колхоз раиси ўртоқ С. Жўраевнинг ҳисобот докладида кўрсатилишича, далада ишлаганларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш кескин равишда кўпайган. Аввалларн ҳар бир меҳнат кунига тақсимланган пул 96 тийинга тўғри келар эди. Энди бутунлай бошқа. 1963 йилги ҳар бир меҳнат кунига 2 сўм 30 тийиндан пул тақсимланди. Бундан ташқари колхоз правлениеси деҳқонларга сабзи-пиёз ва бошқа полиз экинларидан ҳам анчагина тақсимлаб берди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг бир ёқадан бош чиқариб раҳбарлик қилиши орқасида ортиқча харажатларга йўл қўйилмаган. Кераксиз штатлар қисқартирилган. Бунинг орқасида бир йилнинг ўзида 30 минг сўм пулни тежаб қолишга эришилди.

Сўзга чиққанлар Х. Давлатов, У. Сафаров ўртоқлар бошлиқ сабзавотчилик бригадаларининг эришган ютуқларини таъкидлаш билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликлар ҳақида ҳам батафсил гапирдилар. Агар колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ишни пухта ташкил қилганларида ютуқлар яна ҳам кўп ва салмоқли бўлар эди. Афсуски, ҳали шундай қилингани йўқ. Айрим бригадаларда ерлардан яхши ва самарали фойдаланилмаётир. Бунинг орқасида сабзавот ва полиз экинларидан кам ҳосил олиняпти. Қолоқ бригадалар илғорлар даражасига кўтарилганда бир йилнинг ўзида минг-минглаб сўм қўшимча даромад олиш мумкин эди. Картошка, пиёз, лавлаги каби экинлардан жуда кам ҳосил етиштирилди. Бодринг етиштиришга етарли эътибор берилмади. Экилган ерлардаги бодринглар ўз вақтида парвариш қилиб турилмаслиги сабабли 13 минг сўмлик кам маҳсулот олинди. Укроп, петрушка ва бошқа резовор экинлардан ҳосил олишда ҳам ана шундай камчиликка йўл қўйилди.

У. Ҳакимбеков, Б. Дўсимбетов, Ю. Рўзиев, Ҳ. Темирхўжаев ва бошқа ўртоқлар ўз сўзларида ҳали ҳам сабзавотчиликда механизациядан тўғри фойдаланмаётганлиги ҳақида батафсил гапирдилар.

Колхозчилар картошка, жўхори, карам, помидор ва бошқа экинларда механизациядан кенг фойдаланиб ҳосилдорликни кескин равишда ошириш зарурлиги ҳақида ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини айтдилар. Умумий йиғилишда бу йил ўтган йилга нисбатан ҳосилдорликни янада кескин ошириш соҳасидаги вазифалар ҳақида ҳам анчагина гап бўлди. Колхозчилар ўтган йилги эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритиш учун курашмоқдалар. Бригадаларда КПСС Марказий Комитетининг бўлажак Пленуми шарафига социалистик мусобақа кенг авж олдирилиб юборилган. Колхозчилар уюшқоқлик билан дала ишларини давом эттирмоқдалар. Кўплаб миқдорда маҳаллий ўғит ва компост тайёрламоқдалар.

Ҳисобот йиғилишида колхозчилар янада уюшқоқлик билан меҳнат қилиб, аҳолини мўл-кўл сабзавот, полиз экинлари ва чорва маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан зарур тадбирларни белгиладилар.

**М. ҒОЗИЕВ.**



**Ўрта Чирчиқ районидаги Ушинский номли 52-мактабда политехник таълим намунали йўлга қўйилган. Мактабнинг юқори синф ўқувчилари қишлоқ хўжалик техникасини қунт билан ўрганишяпти. Бунда мактабни оталикка олган хўжаликнинг ёрдами катта бўляпти. Суратда: меҳнат дарси ўқитувчиси Ж. Пайғамов 10-синф ўқувчиларига трактор қисмларининг аҳамияти ҳақида сўзлаб бермоқда.**

М. Нуриддинов фотоси.

# ЦЕЙЛОННИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

Цейлон халқи бундан ўн олти йил муқаддам, 1948 йил 4 февралда мустамлакачи давлатларга қарши миллий-озодлик кураши олиб бориб, ўз мустақиллигига эришди. Бу мамлакат тўрт юз йилдан кўпроқ вақт давомида чет эл босқинчиларининг ҳукмронлигида қолиб кетган эди.

Цейлонга биринчи бўлиб португал мустамлакачилари кириб келди. Кейин голланд ва инглиз империалистлари ҳукмронлик қилди.

Чет эл империалистлари мамлакатни бутунлай вайрон қилган эдилар. Улар маҳаллий аҳолини очиқдан-очиқ таладилар ва қуллик сиртмоғига солдилар, миллий маданиятни оёқ ости қилдилар. Бироқ, қаҳрамон цейлон халқи асрлар давомида ўз озодлиги учун босқинчиларга қарши узлуксиз кураш олиб борди ва ғалабага эришди.

1956 йил 12 апрелда Соломон Бандранаике бошчилигида янги ҳукумат тузилгандан кейингина мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Ҳукумат миллий манфаатни кўзловчи қатор амалий чоралар кўрди.

Ташқи сиёсатда Бандранаике ҳукумати бетарафлик, ҳарбий блокларда қатнашмаслик, сиёсий-ижтимоий тузумидан қатъий назар барча давлатлар билан тинч-тотув яшаш йўлини тутди. Цейлон ҳукумати Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, Чехословкия, Польша, Венгрия ва Руминия билан дипломатик, иқтисодий ҳамкорлик ва савдо муносабатларини ўрнатди.

Соломон Бандранаике ҳукумати мустамлакачиликка қарши курашиб, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлигини табриклади. Бандранаике ҳукуматининг Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар билан олиб борган ташқи прогрессив сиёсати ички ва ташқи реакционерларнинг ғазабини қўзғатди. 1959 йил сентябрида Соломон Бандранаике фитначилар томонидан ўлдирилди.

1960 йил 20 июль парламент сайловларида кўпчилик овоз олган «Шри Ланка фридом парти» деб аталган Цейлон озодлик партияси ҳокимият тепасига келди. Бу партия коммунистлар ҳамда «Ланка Сама Самаж» партияси билан иттифоқ тузиб, ғалабага эришди. Ҳокимият марҳум Соломон Бандранаикенинг рафиқаси Сиримаво Бандранаике қўлига ўтди.

Янги ҳукумат ички ва ташқи сиёсатда Соломон Бандранаике сиёсатини давом эттиражагини эълон қилди. Шу билан бирга, мамлакат экономикасини, саноатини, қишлоқ хўжалигини юксалтириш ҳамда халқ моддий ва маданий аҳволини яхшилаш соҳаларида қатор ҳаётий тадбирлар кўражагини билдирди.

Бироқ, бу вазифаларни амалга оширишда катта қийинчиликларга дуч келинди. Мамлакатда техник кадрлар, мутахассислар йўқ, молиявий аҳвол оғир эди. Қишлоқ хўжалик, саноат, молия ва ташқи савдо каби муҳим тармоқлар ҳали чет эл монополиясининг қўлида эди.

Эрксевар Цейлон халқига миллий экономикани юксалтиришда Совет Иттифоқи бошлиқ барча социалистик лагерь мамлакатлари яқиндан ёрдам бериб келдилар ва ҳозирда ҳам ёрдам бермоқдалар.

1958 йил февралда СССР билан Цейлон ўртасида савдо, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ҳақида битим имзоланди. Бу битимга мувофиқ, Совет Иттифоқи Цейлонга 120 миллион сўм узоқ муддатли қарз берди. Цейлон ҳукумати Совет Иттифоқидан олган кредитни бир неча йирик корхоналар қурилишига сарфламоқда. Цейлон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги савдо, иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида 1961 йил 7 мартда Москвада 1962—1964 йилларда ўзаро товар етказиб бериш ҳақида битим имзоланди.

Совет Иттифоқининг беғараз ёрдами натижасида Цейлон халқи ўз миллий экономикасини мустақил равишда ривожлантирмоқда. Ҳозирги кунда СССРнинг ёрдами билан Цейлонда металлургия заводи қуриляпти. Бу ерга СССРдан кўпгина қурилиш техникаси ва ускуналар келтирилди.

Цейлон халқининг миллий байрами кунида совет кишилари уларга қизғин табрик йўллайдилар ҳамда миллий экономика ва маданиятни ривожлантиришда катта муваффақиятлар тилайдилар.

**И. УСМОНОВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг илмий ходими.**

